



20 20 у. « 6 » июль

№ Қ-317

« » 20 г.

Термиз тумани “Каттақум” массиви
“Нурафшон” маҳалласи худудидан
“ЕКО TERMIZ BOG” боғдорчилик
йўналишидаги фермер хўжалигига
“Иссиқхона биноси”ни қуриш учун
рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/311-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 11 июндаги 01-08/243-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/311-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Каттақум” массиви “Нурафшон” маҳалласи худудидан “Эко Термиз боғ” боғдорчилик фермер хўжалигига ўз ҳисобидаги ер туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 127к-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 42,1 балл бонитетли жами 1,0 гектар суғориладиган экин ер майдонига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида “Иссиқхона биноси”ни қурилишига рухсат берилсин.

3. “Эко Термиз боғ” боғдорчилик фермер хўжалиги бошлиғи С.Жумабоевга:

рухсат этилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланганда рухсат этилаётган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг баъжарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов